АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ИЖТИМОИЙ-ДЕМОГРАФИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

М.Атажонов, М.А.Усмонов, Б.М.Дехқонов

В статье рассмотрены региональные особенности социально-демографического развития Андижанского вилоята.

In this article are considered the regional features of social - demographic development of Andijan region.

Андижон вилояти ҳудуди бўйича Ўзбекистондаги энг кичик вилоят бўлиб, у республика ер майдонининг 0,9 фоизини эгаллагани ҳолда аҳолисининг 9 фоизини ўзида мужассамлаштиради. Вилоят ер майдонининг кичиклиги, айни пайтда, табиий шароитнинг қулайлиги, ҳамда тарихий-ижтимоий ривожланиш босқичлари аҳоли сони ва зичлигига таъсир кўрсатган.

2008 йил маълумотларига кўра Андижон вилояти майдони – 4.24 минг кв.км бўлиб, аҳолиси эса 2454 минг кишини ташкил қилади. Аҳоли зичлиги 1кв.км га 580 киши тўғри келади.

Иқтисодиётнинг барқарор ва жадал юксалишида инсон омили ҳал қилувчи кучдир. Жамиятдаги барча маҳсулотлар – моддий ва маънавий бойлик инсон учун, аҳолининг эҳтиёжини қондириш мақсадида яратилган. Кишилар талаб ва эҳтиёжи эса вақт ўтган сари миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгариб боради. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг асосий мақсади аҳолига барча қулайликларни яратиш, замонавий сифатли хизматларни беминнат бажариш, кишилар дам олишини мароқли ва мазмунли ўтказиш, вақт ва масофани тежашдан иборат. [2;132]

Республика иқтисодиётини ривожлантириш жараёнида ишлаб чиқилган стратегия ва тактикага таянган ҳолда таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, саноатни жадал ривожлантириш, агросаноат мажмуасини янги поғонага кўтариш, географик ўрнига боғлиқ ҳолда транспорт тизимини такомиллаштириш каби вазифаларни амалга ошириш борасида сезиларли муваффақиятларга эришилди.

Бунинг учун ҳудудлардаги мавжуд минерал ва қишлоқ хўжалиги хом ашёларидан ҳамда меҳнат ресурслари захираларидан, халқнинг қадимдан шаклланиб келган миллий ҳунармандчилик ва меҳнат кўникмаларидан фойдаланишга ҳаракат қилиняпти. Ўзбекистон Президенти таъкидлагандек, “Бугунги кунда мамлакатимизни аввало иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди”. [2;31]

Ҳозирда Андижон вилояти ўзининг демографик ҳолати бўйича Ўзбекистоннинг энг мураккаб ҳудудларидан ҳисобланади. Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари кўп жиҳатдан аҳолининг юқори табиий ўсиши, таркиби, ҳудудий жойлашуви билан изоҳланади.

Вилоят аҳолиси сонининг ҳудудига нисбатан катталиги, ўз навбатида ўта зич жойлашганлиги меҳнат ресурслари ва бандликка хос муаммолар мураккаблашувига олиб келаётган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг жойлашуви бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, аҳоли ишлаб чиқаришнинг жойлашувига, мамлакат ва минтақа иқтисодиётига катта таъсир кўрсатса, ишлаб чиқариш ҳам аҳолининг ҳудудий ташкил этилишига бевосита таъсир кўрсатади.

2008 йил маълумотларига кўра вилоят аҳолисининг 29 фоизи шаҳар жойларда, 1736 минг киши ёки 71 фоизи эса қишлоқда истиқомат қилмоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган қишлоқ жойларга эътибор, қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш бўйича ислоҳотлар, жумладан, 2009 йилнинг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб номланиши Андижон вилояти келажаги учун унутилмас из қолдиради.

Вилоят маъмурий ҳудудий тузилишига кўра 14 та тумандан иборат бўлиб, аҳоли сони бўйича Андижон шаҳридан кейинги ўринларни Шаҳрихон ва Андижон туманлари эгаллайди, бу туманларга мос равишда 230 минг ва 200 минг аҳоли тўғри келади. Бу жиҳатдан охирги ўринларни эгалловчи Бўз туманида 54.6 минг киши, Улуғнор туманида 47.8 минг аҳоли истиқомат қилади. кв.км.га тўғри келувчи аҳоли зичлиги борасида ҳам эгаллаган ўринлар юқоридаги каби бўлиб, бу кўрсаткич Андижон шаҳрида 5600, Асака шаҳрида 5099, Шаҳрихон туманида 797, Асака туманида

750, Избоскан туманида 677, Олтинкўл туманида 639 кишига тенг бўлиб, вилоят ўртача зичлик кўрсаткичидан юқоридир. Вилоятда энг паст зичликка эга бўлган Улуғнор туманида 1 кв.км.га 114 киши, Бўз туманида 272 киши тўғри келса-да, бунинг ҳам республика аҳолиси ўртача зичлигидан (50,4 киши) мос равишда 2,3 ва 5.4 марта юқорилиги вилоят аҳолиси зичлигининг ўзига ҳослигини кўрсатади.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли вилоят аҳолисининг 56 фоизини ташкил этади. Меҳнатга лаёқатли аҳоли вилоят бўйича нотекис жойлашган. Вилоятдаги меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг 16 фоизи Андижон шаҳрида жойлашган.

Вилоят туманлари бўйича меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони, унинг ўсиш суръатлари ва салмоғи бўйича Шаҳрихон тумани алоҳида ажралиб туради. Чунки туманда вилоятдаги меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг 1/10 қисми яшамоқда. Шаҳрихон туманидаги меҳнатга лаёқатли ёшлардаги аҳоли сони Бўз (24,1минг) Улуғнор (20,9 минг) ва Олтинкўл (58,9 минг) туманларининг биргаликдаги меҳнатга лаёқатли аҳолиси сонидан ҳам кўп, яъни 105 мингдан ортиб кетди. [3;17]

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳолати тўғрисидаги маълумотга асосан, вилоят иқтисодиётида банд аҳоли 2008 йилда 1014.7 минг кишини ташкил этган. Андижон вилоятида саноат катта аҳамиятга эга бўлиб, унда меҳнат ресурсларининг 11.4 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Мустақиллик йилларида вилоятда катта ҳажмдаги амалга оширилган тадбирлар, хусусан, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириш, аграр сектордаги ислоҳотлар натижасида меҳнат ресурсларининг қишлоқ хўжалигидаги сони ва салмоғи камайиб бормоқда, у ҳозирда 34,3 фоизни ташкил этади.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг қолган тармоқлари, жумладан, транспорт ва алоқада 2,6, қурилишда 3,5, савдо ва умумий овқатланишда 5,0, соғлиқни сақлаш соҳаларида 5,4, халқ таълимида 11,2, уй-жой коммунал, маиший хизмат кўрсатиш, банк, молия, суғурта, кредит соҳаларида яқин 3,0, якка тартибда ишловчилар 19.3 ҳамда бошқа тармоқларда 4,2 фоиз аҳоли банд. Маълумотлардан кўриниб турибдики, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларининг барчасида меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг қарийиб 40 фоизи тўпланган ва иқтисодиётнинг янада юксалишида муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Вилоятда бу соҳаларни ривожлантиришга, жаҳон андозаларига яқинлаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Андижон шаҳрида банд аҳолининг 47 фоизи, Асака шаҳрида 47,5 фоизи ижтимоий соҳаларга тўғри келади. Вилоят бўйича ижтимоий соҳаларда фаолият кўрсатаётган меҳнат ресурсларининг 1/5 қисмига яқини Андижон шаҳрида тўпланган.

Туманлар бўйича ижтимоий соҳаларда аҳоли бандлиги юқори бўлган гуруҳни Шаҳрихон, Пахтаобод, Марҳамат, Қўрғонтепа туманлари ташкил этади.

Кейинги йилларда хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган аҳолининг салмоғи бироз кўтарилган бўлса-да, бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Хусусан, уй-жой коммунал хўжалик ҳамда аҳолига ноишлаб чиқариш туридаги маиший хизмат кўрсатишда банд бўлганларнинг 2,1 фоизи тўғри келади, холос.

Ноишлаб чиқариш соҳаларининг нисбий кўрсаткичлари ҳам жаҳон андозалари даражасидан бироз паст. Бу ҳол Андижон вилоятида, республикада бўлгани каби, банд аҳолининг тармоқ таркибида ҳозирги кунда катта аҳамиятга молик иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг мавжудлигидан далолат беради.

Барчага маълумки, Республикамизда иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш “шок терапия”си усулида эмас, “босқичма – босқич” усулида амалга ошириб борилмоқда. 2009 йилнинг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб аталиши ҳамда бунинг негизида амалга оширилиши кўзда тутилган тадбирлар, шубҳасиз, иқтисодиётни янада ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш тарзини яхшилашга қаратилган.

Ижтимоий соҳа объектлари қаторида таълим муассасаларининг ҳам аҳамияти катта. Мамлакатимизда таълим муассасаларини ривожлантириш, уларни мазмун ва сифат жиҳатидан такомиллаштириш борасида аҳамиятли ишлар амалга оширилмоқда.

Натижада 2005–2008 йиллар мобайнида мактабгача таълим муассасаларида 5-6 ёшдаги болаларни қамраб олиш кўрсаткичлари 19 % дан 21,2 % гача, жумладан, шаҳар жойларида 36,2 % дан 39,5 % га, қишлоқ жойларида эса 11,3 %дан 13,2 % гача ошди.

2009 йил давомида 767 та умумтаълим мактаблари, шундан 96.5 фоизи ёки 733 таси қишлоқ жойларда, 196 та касб-ҳунар коллежлари, шундан 164 таси қишлоқ жойларда, 18 та академик лицей – 6 таси қишлоқ ҳудудларида, фойдаланишга топширилиши кўзда тутилмоқда.

Энг муҳими, мамлакатимизда ижтимоий инфратузилма объектларини жадал ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштиришни тубдан яхшилаш орқали қўшимча иш

ўринларини яратиш масалалари кўзда тутилмоқда. Ушбу дастур доирасида Республика миқёсида қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳасини, сервисни янги сифат даражасига кўтариш учун 32,9 млрд сўм миқдорда, аҳоли пунктларини ободонлаштириш учун 37,2 млрд сўм, фуқаролар соғлигини ҳимоя қилишни яхшилаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, қишлоқда маориф тизимининг сифатини янада яхшилаш, янги поғонага кўтариш, қишлоқ жойларда мактаб ва касб-ҳунар коллежларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ишлари учун 90 млн доллар ҳажмида молиявий маблағлар ажратиш белгиланганлиги юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг навбатдаги поғонага кўтарилишидан далолат беради.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.- Т.: Ўзбекистон 2009
2. Солиев А. Ҳудудий мажмуаларнинг назарий асослари.- Т.: Университет, 2007
3. Қодиров Р.Б. Аҳоли ва меҳнат ресурслари.- Андижон , 2008
4. “2004 – 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида”ги Фармон. 2009 й 9 июль. ПҚ – 321
5. Абдуллаев О. Фаргона водийси.- Наманган, 2000
6. Асанов Г. Аҳоли географияси. - Т.: Ўкитувчи, 2003
7. Жураев Т., Оллоёров Н. Ижтимоий инфраструктура. - Т., 1996
8. Назаров М. Социальная география селськой местности.- Т., 2000
9. Назаров М., Тожиева З. Ижтимоий география. - Т., 2003
10. И.Солиев А., Маҳамадалиев Р. Иктисодий ва ижтимоий география асослари.- Т., 2005
11. Солиев А., Аҳмедов Э., Маҳамадалиев Р. ва бошқ. Минтакавий иктисодиёт.- Т.: Университет, 2003
12. Қишлок жойлар демографияси. Ўкув қўлланма.- Т., 2005.